# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • E-mail: Info@xs.uz • 2011 йил 16 апрель, № 75 (5242) Шанба


**БУЮК ВА МУҚАДДАССАН, МУСТАҚИЛ ВАТАН!**

Ўзбекистон Республикасининг
ҚОНУНИ

## «Транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида

Қонунчилик палатаси томонидан 2011 йил 18 мартда қабул қилинган
Сенат томонидан 2011 йил 25 мартда маъқулланган

**1-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил 21 апрелда қабул қилинган **«Транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш тўғрисида»**ги ЎРҚ–155-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2008 йил, № 4, 191-модда; 2010 йил, № 9, 337-модда) қуйидаги ўзгартиш ва қўшимчалар киритилсин:

1) **9-модда учинчи қисмининг иккинчи жумласи** чиқариб ташлансин;

2) **12-модданинг тўртинчи қисми** «суғурталовчининг» деган сўздан кейин «(суғурта агентининг)» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

3) **13-модданинг биринчи қисми**:

қуйидаги мазмундаги **олтинчи хатбоши** билан тўлдирилсин:

«хизматни Афғонистон Республикасида ва жанговар ҳаракатлар олиб борилган бошқа мамлакатларда вақтинча бўлган қўшинларнинг чекланган контингенти таркибида ўтаган ҳарбий хизматчилар ҳамда ўқув ва синов йиғинларига чақирилган ҳарбий хизматга мажбурлар»;

**олтинчи — саккизинчи хатбошилари** тегишинча **еттинчи — тўққизинчи хатбошилар** деб ҳисоблансин;

4) **14-модданинг иккинчи қисмидаги** «ваколатли ўз вакилларига» деган сўзлар «ваколатли ўз филиалларига» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

5) **15-модданинг**:

**тўртинчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Суғурта полиси йўқолган ёки яроқсиз ҳолга келган тақдирда суғурталовчи суғурта қилдирувчининг аризасига кўра унинг дубликатини беради. Бунда суғурта қилдирувчи суғурталовчининг дубликатни бериш учун қилган харажатларини тўланган суғурта мукофоти суммасининг 10 фоизидан кўп бўлмаган миқдорда тўлаши керак»;

**бешинчи қисми тўртинчи хатбошисидаги** «вакилларининг», «вакилларнинг» деган сўзлар тегишинча «филиалларининг», «филиалларнинг» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

6) **19-модданинг**:

**иккинчи қисми учинчи хатбошисидаги** «вакилига» деган сўз «филиалига» деган сўз билан алмаштирилсин;

**тўртинчи қисми биринчи хатбошисидаги** «унинг вакилига» деган сўзлар «унинг филиалига» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

7) **25-модданинг биринчи қисми**:

қуйидаги мазмундаги **тўртинчи хатбоши** билан тўлдирилсин:

«транспорт воситаси уни ғайриқонуний йўл билан эгаллаб олган шахс томонидан фойдаланилганлиги натижасида зарар етказилганлиги»;

**тўртинчи хатбошиси бешинчи хатбоши** деб ҳисоблансин;

8) **26-модда иккинчи қисмининг биринчи хатбошиси** «суғурталанмаганлиги» деган сўздан кейин «ёки транспорт воситаси уни ғайриқонуний йўл билан эгаллаб олган шахс томонидан фойдаланилганлиги натижасида зарар етказилганлиги» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

9) **29-модданинг иккинчи қисмидаги** «юридик шахс» деган сўзлар «нотижорат ташкилот» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

10) **36-модданинг биринчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, судлар, шунингдек тиббиёт, сейсмология, ветеринария, гидрометеорология ташкилотлари ва бошқа ташкилотлар суғурта товонининг миқдорини аниқлаш мақсадида суғурта ҳодисалари содир бўлишининг сабаблари ва ҳолатлари тўғрисидаги ҳамда етказилган зарар ҳақидаги масалаларни ҳал этиш учун зарур бўлган ҳужжатлар ва хулосаларни суғурталовчиларнинг ҳамда Тўловларни кафолатлаш жамғармасининг сўровига кўра тақдим этиши шарт».

**2-модда.** Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Ўзбекистон Республикасининг Президенти** **И. КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2011 йил 15 апрель
№ ЎРҚ—283



**Миллий ҳунармандчилик:**

## ЭЪТИБОР, ЭЪТИРОФ ВА САМАРА

***Ҳунардан бахту барака унар. Асрлар давомида халқимизнинг тилу дилидан тушмайдиган ушбу ҳикматли сўз Мустақилликка эришганимиздан сўнг том маънода ўзининг рўёбини топди.***

Истиқлол йилларида Юртбошимиз раҳнамолигида олиб борилаётган ҳаётбахш ислоҳотлар ана шу эзгу орзунинг амалга ошишига замин яратди. Бундай эътибордан жамиятнинг ҳар бир аъзоси, шу жумладан, кўҳна анъаналаримиз давомчилари — ҳунармандларимиз ҳам бирдек баҳраманд бўлмоқда.

— Сулоламиз тарихи асрларга бориб тақалади, — дейди улардан бири, мискар-кандакор Мақсуджон Мадалиев.

**Фахр**

— Аждодларимиз ҳалол меҳнат ортидан ҳаёт кечиришган. Лекин мустабид даврда ҳунармандчиликнинг кўплаб йўналишлари қатағонга учради. Шукр, эрк қуши елкамизга қўнгандан кейин урф-одатларимиз, миллатимизга хос касбу коримиз булоғи қайта кўз очди. Бу йўлда тараққий топишимиз, тадбиркорлик қилишимиз учун беқиёс шарт-шароитлар яратиб берилди.

(Давоми 4-бетда).

**СУРАТДА:** уста Мақсуджон Мадалиев ўғли Фаррух Мадалиев билан маҳсулот сифатини кўздан кечирмоқда.

**Шомурот ШАРАПОВ олган сурат.**

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ МАЖЛИСИ ТЎҒРИСИДА АХБОРОТ

**2011 йил 15 апрелда Вазирлар Маҳкамасининг мажлиси бўлиб ўтди. Мажлисда жорий йилнинг биринчи чорагида республикани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари кўриб чиқилди ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов томонидан республика Ҳукуматининг 2011 йил 21 январдаги мажлисида белгилаб берилган 2011 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурининг энг муҳим устувор вазифаларини амалга оширишни сўзсиз таъминлаш чора-тадбирлари ишлаб чиқилди.**

Мажлисда республика Ҳукуматининг 2011 йил 21 январда бўлиб ўтган мажлисининг белгиланган макроиқтисодий кўрсаткичларга ва молия-пул параметрларига эришишни таъминлашга, иқтисодиётни таркибий қайта ўзгартиришларни янада чуқурлаштиришга ҳамда унинг етакчи тармоқларини жадал модернизация қилишга, техник ва технологик жиҳатдан янгилашга, максимал даражада қулай ишбилармонлик муҳитини яратишга ва аҳолининг иш билан бандлигини оширишга қаратилган топшириқларини бажариш юзасидан амалга оширилаётган чора-тадбирларнинг натижалари ҳар томонлама кўриб чиқилди ва чуқур таҳлил қилинди.

Иқтисодий ислоҳ қилиш ва мамлакатни модернизациялашнинг чуқур ўйланган ва мақсадли йўналтирилган дастурини амалга ошириш туфайли иқтисодий ўсишнинг барқарор юқори суръатлари, иқтисодиётнинг макроиқтисодий мувозанатлилиги таъминланаётганлиги қайд этилди. Жорий йилнинг биринчи чорагида ялпи ички маҳсулотнинг ўсиши 7,6 фоизни, саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш ҳажми ўсиши 6,2 фоизни, шу жумладан, истеъмол товарлари ишлаб чиқариш ҳажми ўсиши 10,3 фоизни, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш ҳажми ўсиши 5,8 фоизни, чакана товар айланмаси ҳажми ўсиши 13,1 фоизни, хизматлар кўрсатиш ҳажми ўсиши 12,6 фоизни ташкил этди. Давлат бюджети ялпи ички маҳсулотга нисбатан 0,3 фоиздан ортиқ миқдорда профицит билан ижро этилди. Инфляция даражаси прогноз параметрлардан ортиқ бўлмади.

Экспорт қилувчи корхоналарни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва улар фаолиятини рағбатлантириш, экспорт тузилмасини диверсификациялаш ва мамлакатимизда ишлаб чиқариладиган маҳсулотларнинг ташқи бозорлардаги рақобатбардошлилигини ошириш юзасидан кўрилаётган чора-тадбирлар экспорт ҳажмининг 28,5 фоизга ўсишини ва ташқи савдо айланмасининг салмоқли ижобий сальдосини таъминлади.

Вазирлар Маҳкамаси мажлисида кўриб чиқилган кун тартибининг биринчи навбатдаги масалалари орасида иқтисодиётнинг етакчи тармоқларини жадал ва барқарор ривожлантириш, саноат тармоқлари ва корхоналари фаолиятининг самарадорлиги ва уларнинг рақобатбардошлилигини янада ошириш ишларининг ҳолати чуқур таҳлил қилинди. Саноатни жадал ривожлантириш ва диверсификациялаш чора-тадбирлари амалга оширилиши натижасида унинг юқори технологияли тармоқлари улушини кўпайтириш борасида ижобий силжишлар таъминланаётганлиги қайд этилди.

Муҳокама давомида ишлаб чиқаришни диверсификациялаш ва маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини кўпайтириш бўйича зарур чора-тадбирлар кўрилишини таъминламаганликлари учун «Ўзэлтехсаноат» уюшмаси, «Чирчиққишлоқмаш», «Тошкент трактор заводи» очиқ акциядорлик жамиятлари раҳбарлари фаолияти қаттиқ танқид қилинди. Истеъмолчиларга етказиб берилган электр энергияси ва газ учун қарздорликни ва уларнинг исроф бўлишини қисқартириш, истеъмол қилинишини ҳисобга олиш ва назорат қилишни такомиллаштириш бўйича «Ўзбекэнерго» ва «Ўзтрансгаз» компаниялари раҳбарларининг иши қониқарсиз эканлиги қайд этилди. Мазкур тармоқлар ва корхоналар раҳбарлари олдига йўл қўйилган камчиликларни бартараф этиш учун барча захираларни сафарбар қилиш юзасидан аниқ вазифалар қўйилди.

(Давоми 2-бетда).

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ХИТОЙ ХАЛҚ РЕСПУБЛИКАСИГА ТАШРИФИГА ДОИР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Хитой Халқ Республикаси Раиси Ху Цзиньтаонинг таклифига биноан 2011 йил 19 — 20 апрель кунлари давлат ташрифи билан ушбу мамлакатда бўлади.

Ташриф чоғида Ўзбекистон — Хитой ҳамкорлигини кенгайтириш ва ривожлантириш масалалари, томонларни қизиқтирган минтақавий ва халқаро аҳамиятга молик долзарб муаммолар муҳокама қилинади.

Музокаралар якунида икки давлатнинг турли соҳалардаги ҳамкорлигини янада ривожлантиришга қаратилган қатор икки томонлама ҳужжатлар имзоланиши режалаштирилмоқда.

**Ўзбекистон — Хитой:**

## ИСТИҚБОЛГА АСОСЛАНГАН ҲАМКОРЛИК

***Ўзбекистон ва Хитой халқларини узоқ асрлик дўстлик ва ўзаро ҳурматга асосланган кўп томонлама алоқалар бири-бирига яқинлаштириб келган. Хусусан, бундан икки минг йиллар муқаддам Буюк Ипак йўли даврида бошланган ўзаро маданиятлар алмашинуви тарихининг ёрқин саҳифалари ҳамон ёдда сақланиб келмоқда. Маданиятларимиз ўртасидаги қадимий яқин алоқалар илдизи иккала халқнинг янада яқинлашишига сабаб бўлаётир ва бугунги кунда Ўзбекистон — Хитой ўртасидаги узоқ муддатли, муҳим ва ишончли ҳамкорлик учун қулай асос яратмоқда.***

Хитой Халқ Республикаси Ўзбекистон Республикасининг мустақиллигини 1991 йил 27 декабрда эътироф этган. Мамлакатларимиз ўртасидаги дипломатик алоқалар 1992 йил 2 январда ўрнатилган.

Мустақилликнинг илк кунларидан бошлаб Хитой Халқ Республикаси Ўзбекистон учун ҳар томонлама синалган ишончли ҳамкор, тинчликпарвар ва оқилона сиёсат юритувчи яқин қўшни ҳисобланиб келмоқда.

Президент Ислом Каримовнинг Хитойга 1992 йил мартда амалга оширган илк расмий ташрифи ўзаро ишончга асосланган дўстона алоқаларга мустаҳкам пойдевор қўйди. Натижада ўтган йиллар давомида Ўзбекистон — Хитой муносабатлари кўп қиррали кўриниш касб этди ва жўшқин ривожланди.

Бугунги кунда Ўзбекистоннинг Хитой билан алоқалари кенг қамровга эга. Бунда терроризмга, экстремизм, сепаратизм, гиёванд моддалар савдоси, ноқонуний қурол савдоси ва хавфсизликка таҳдид соладиган бошқа ноқонуний ҳаракатларга қарши курашиш сингари долзарб масалалар бўйича икки давлат нуқтаи назарларининг яқинлигига асосланган ўзаро манфаатли ҳамкорлик қулайлик яратмоқда.

Истиқболли ҳамкорлик ўзаро манфаатдорлик, ҳурмат ва ишонч тамойиллари асосида ривожланаяпти. Хитой доимо Ўзбекистоннинг тараққиёт йўлини қўллаб-қувватлаб келган. Ўзбекистон муҳим ва долзарб масалаларда Хитой билан ҳамфикр бўлиб, хусусан, мамлакатнинг ҳудудий яхлитлик борасидаги “ягона Хитой” тамойилини қўллаб-қувватлайди.

Президент Ислом Каримовнинг Хитойга 2005 йил 25 — 27 май кунларида амалга оширган давлат ташрифи икки томонлама алоқаларда муҳим босқич бўлди. Ушбу ташриф доирасида Шериклик алоқалари бўйича дўстлик ва ҳамкорлик шартномаси имзоланди. Мазкур юксак аҳамиятга молик ҳужжат икки давлат ўртасидаги савдо-иқтисодий, маданий-гуманитар ва бошқа соҳалардаги алоқаларнинг янада мустаҳкамланишида кенг уфқларни очди.

Хитой Халқ Республикаси раиси Ху Цзиньтаонинг 2010 йил 9-10 июнь кунлари Тошкентга амалга оширган давлат ташрифи Ўзбекистон — Хитой ўртасидаги муносабатларнинг янги даврини бошлаб берди. Мазкур ташриф якунига кўра, техник-иқтисодий, нохом ашё ва юқори технологиялар, нефть-газ соҳаларида ҳамкорликка оид қатор ҳужжатлар имзоланиб, Дўстлик, ҳамкорлик ва шериклик муносабатларини ҳар томонлама ривожлантириш ва кенгайтириш тўғрисидаги қўшма декларация қабул қилинди. Унда Ўзбекистон — Хитой ўртасида дўстлик ва ҳамкорликнинг шериклик алоқалари ўрнатилиши ва ривожлантирилиши икки мамлакат халқларининг асосий манфаатларига тўла мос келиши ҳамда минтақада ва бутун дунёда тинчлик, хавфсизлик ва барқарорликни таъминлашга хизмат қилиши таъкидланади.

Бугунги кунда иккала давлат БМТ ва бошқа нуфузли халқаро ташкилотлар доирасида кўп томонлама ҳамкорликни кенгайтирган ҳолда, халқаро майдонда бир-бирларига ўзаро сиёсий кўмак бериб келмоқда.

Икки томонлама алоқаларнинг салмоқли қисмини Шанхай ҳамкорлик ташкилоти доирасидаги ўзаро муносабатлар ташкил этади. Ўзбекистон ва Хитой ШҲТнинг муваффақиятли ривожланиши ҳамда унинг ишида фаол қатнашишга алоҳида эътибор қаратади. Бугунги кунда ШҲТ тизимидаги ҳамкорлик минтақа, шунингдек, жаҳонда барқарорлик ва хавфсизликни таъминлашда жиддий омилга айланиб бормоқда.

(Давоми 2-бетда).

## ЎЗБЕКИСТОННИНГ ЯНА БИР ЯНГИ АВТОМОБИЛЬ ЗАВОДИ

***“Ўзавтосаноат” акциядорлик компанияси ва “MAN Truck & Bus AG” (Германия) мамлакатимизда оғир юк ташувчи тижорат техникасини ишлаб чиқариш бўйича янги автомобиль заводи қуришни бошлади.***

“Ўзавтосаноат” акциядорлик компанияси матбуот хизматининг маълум қилишича, Самарқанд шаҳри яқинида “JV MAN Auto-Uzbekistan” қўшма корхонаси янги ишлаб чиқариш комплекси пойдеворини қўйиш маросими бўлиб ўтди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг ташаббуси ва раҳнамолигида асос солинган мамлакатимиз автосаноати истиқлол йилларида халқимизнинг юксак бунёдкорлик салоҳияти рамзига айлангани таъкидланди. Нуфузли компаниялар билан тенг ҳуқуқли ва ўзаро манфаатли муносабатлар ўрнатишга асосланган ривожланиш стратегияси жаҳон стандартлари даражасида рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқаришга қаратилган. Бунда автомобиль бутловчи ва эҳтиёт қисмларини Ўзбекистоннинг ўзида ишлаб чиқариш масаласига алоҳида эътибор берилмоқда.

Мазкур лойиҳанинг дастлабки босқичи доирасида 2011 — 2013 йилларда MAN автомобиллари учун йилига 6 минг тягач ва шасси ишлаб чиқаришга мўлжалланган йиғиш, бўяш цехлари ва диагностика участкаси, шунингдек, автотранспорт воситаларини сотиш бўйича дилерлик ҳамда уларга техник хизмат кўрсатиш сервис марказлари ташкил этилади. Бу ерда иш икки сменада ташкил қилиниб, йилига 10 мингтагача маҳсулот тайёрлаш режалаштирилмоқда.

Кейинчалик ушбу янги комплексда тўлиқ технологик жараён бўйича MAN юк автомобилларининг кабиналари ва рамаларини ишлаб чиқариш, барча турдаги тиркама ҳамда осма техникани тайёрлаш қувватларини ташкил этиш кўзда тутилмоқда.

Мухтасар айтганда, лойиҳа доирасида узоқ муддатли истиқболда йилига 20 мингтагача маҳсулот ишлаб чиқариш қувватлари ташкил этилади. Лойиҳани таъсисчилар инвестициялари ва кредит ресурслари ҳисобидан молиялаш режалаштирилмоқда.

Маросимда Германиянинг “MAN Truck & Bus AG” компанияси вакили Ларс Химер шундай деди:

— Бугун Ўзбекистон билан ҳамкорлигимизни мустаҳкамлаш бўйича яна бир муҳим қадам қўйганимиздан мамнунмиз. Самарқандда MAN юк автомобилларини ишлаб чиқариш бошланганига бир йилдан ошди. Энди эса энг замонавий технологияларга эга ва қўшма корхонамиз ўрнини янада мустаҳкамлашга хизмат қиладиган янги қудратли ишлаб чиқариш базасини ташкил этамиз.

(Давоми 2-бетда).

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ МАЖЛИСИ ТЎҒРИСИДА АХБОРОТ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Мажлисда ишлаб чиқаришни модернизациялаш, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш бўйича инвестиция лойиҳаларини амалга оширишга хорижий инвестицияларни, энг аввало, тўғридан-тўғри инвестицияларни кенг жалб этиш чора-тадбирларининг натижадорлигини ҳар томонлама таҳлил қилишга алоҳида эътибор қаратилди. 2011 йилнинг биринчи чораги мобайнида республикада 145 та янги ишлаб чиқариш объекти ишга туширилди, шунингдек, ишлаб чиқаришни модернизациялаш, техник ва технологик жиҳатдан янгилаш бўйича 818 та инвестиция лойиҳасини амалга ошириш давом эттирилди.

Мажлисда муҳокама қилиш жараёнида айрим инвестиция лойиҳаларини амалга оширишда камчиликларга йўл қўйганлиги учун «Ўзкимёсаноат» давлат акциядорлик компанияси, «Ўзбекенгилсаноат» давлат акциядорлик компанияси, «Ўзфармсаноат» давлат акциядорлик концерни раҳбарлари фаолияти танқид қилинди. Камчиликларни бартараф этиш ва йўл қўйилган қолоқликнинг ўрнини тўлдиришни ҳамда ишлаб чиқариш объектлари ўз вақтида ва тўлиқ ишга туширилишини таъминлайдиган қўшимча чора-тадбирлар кўриш юзасидан қатъий талаблар қўйилди.

Мажлисда аҳолининг иш билан бандлигини таъминлаш ва у билан боғлиқ бўлган аҳоли даромадларини ошириш ҳамда уларнинг ҳаёти сифатини яхшилаш вазифаларини ҳал этиш масалалари энг муҳим устувор вазифа сифатида кўриб чиқилди. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенати томонидан тасдиқланган 2011 йилда иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастури амалга оширилиши батафсил ва ҳар тарафлама таҳлил қилинди.

Тизимли ва аниқ йўналтирилган чора-тадбирларни амалга ошириш натижасида жорий йилнинг биринчи чорагида республикада 219 мингта янги иш ўрни яратилганлиги, ундан 152,4 мингтаси ёки қарийб 70 фоизи қишлоқ жойларда ташкил этилганлиги қайд этилди. Касаначиликнинг барча шаклларини ривожлантиришни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш юзасидан кўрилаётган чора-тадбирлар ушбу соҳада 54,2 мингта иш ўрни яратилишини таъминлади.

Тегишли вазирликлар, идоралар, жойлардаги ҳокимият органлари томонидан корхоналар ва касб-ҳунар коллежлари ўртасида мустаҳкам ҳамкорлик алоқаларини ўрнатиш, коллежларни шу йил тамомлайдиган 430 мингдан ортиқ битирувчиларни бўлажак иш жойларига ишлаб чиқариш амалиётини ўташлари учун аниқ корхоналарга бириктириш ишлари аҳволига алоҳида эътибор қаратилди.

Янги иш ўринлари ташкил этиш ва касб-ҳунар коллежлари битирувчиларини ишга жойлаштиришни таъминлаш бўйича тизимли ишларни ташкил этишда йўл қўйилган камчиликлар учун бир қатор туманлар ҳокимлари фаолияти танқид қилинди.

Маҳаллий ҳокимият органлари, вазирликлар, идоралар, хўжалик бирлашмалари раҳбарлари олдига 2011 йилда иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлиги таъминлаш дастури параметрларини сўзсиз бажариш, шунингдек, «корхона — коллеж» алоқаларини янада мустаҳкамлаш ва шу асосда касб-ҳунар коллежлари битирувчиларини эгаллаган мутахассисликларига мувофиқ ишга жойлаштиришни таъминлаш учун мавжуд захираларни сафарбар этиш юзасидан аниқ вазифалар қўйилди.

Мажлисда «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили» Давлат дастурини амалга ошириш ишлари батафсил таҳлил қилинди. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасида иқтисодиётда иш билан банд бўлганлар умумий сонининг 75 фоизга яқини ишлаши таъминланаётганлиги қайд этилди. Жорий йил якунлари бўйича ушбу соҳанинг ялпи ички маҳсулотдаги улушини 54 фоизгача етказиш мўлжалланмоқда.

Мазкур масалани муҳокама қилиш жараёнида тегишли вазирликлар ва идораларга максимал даражада қулай ишбилармонлик муҳитини яратиш, хусусий мулкнинг устуворлигини мустаҳкамлаш, тадбиркорлик субъектларини ташкил этиш ва рўйхатдан ўтказиш тартибини соддалаштириш, рухсат бериш тартиботларини ва тадбиркорлик субъектларининг молия-хўжалик фаолиятига давлат ва назорат органларининг аралашувини кескин қисқартиришни таъминлаш юзасидан қонун ҳужжатларини ишлаб чиқиш ва қўшимча чора-тадбирларни амалга ошириш бўйича аниқ топшириқлар берилди.

Шу муносабат билан Давлат дастури доирасида қабул қилинган ҳамда солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни ўз вақтида тўламаган, шунингдек, ишлаб чиқариш рентабеллигини таъминлаётган кичик бизнес субъектларининг молия-хўжалик фаолиятини 2011 йил 1 апрелдан бошлаб 2014 йил 1 апрелгача солиқ текширувидан ўтказишни тақиқлашни назарда тутувчи Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Тадбиркорлик субъектларини текширишни янада қисқартириш ва улар фаолиятини назорат қилишни ташкил этиш тизимини такомиллаштириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармонини бажаришнинг амалий аҳамияти алоҳида таъкидланди. Ушбу Фармонни ижро этиш юзасидан 2011 йил текширишлар режалаштирилган кичик бизнес субъектларининг салмоқли қисми чиқарилди.

Муҳокама жараёнида Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Давлат харидлари тизимини оптималлаштириш ва уларга кичик бизнес субъектларини жалб этишни кенгайтириш тўғрисида» қабул қилинган қарорига мувофиқ, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг давлат харидлари тизимида иштирок этиш имкониятларини кенгайтириш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар белгиланди.

Вазирликлар, идоралар, хўжалик бирлашмалари, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар, туманлар ва шаҳарлар ҳокимликлари раҳбарларининг эътибори «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили» Давлат дастурининг барча тадбирлари амалда бажарилишини сўзсиз таъминлаш, шунингдек, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада ривожлантиришни ҳар тарафлама қўллаб-қувватлаш ишларининг натижадорлиги учун шахсий жавобгарлигига қаратилди.

Кун тартибидаги масалалар бўйича вазирликлар, идоралар, хўжалик бирлашмалари, республиканинг йирик корхоналари ва вилоятлар ҳокимликлари раҳбарлари сўзга чиқдилар. Республика Ҳукумати мажлисига киритилган масалаларни муҳокама қилиш якунлари бўйича 2011 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг муҳим устувор вазифалари амалга оширилишини таъминлаш чора-тадбирлари белгиланган тегишли қарорлар қабул қилинди.

**(ЎзА).**

# Ўзбекистон — Хитой: ИСТИҚБОЛГА АСОСЛАНГАН ҲАМКОРЛИК

(Давоми. Боши 1-бетда).

Икки мамлакат ўртасидаги шериклик алоқаларини мустаҳкамлашда савдо-иқтисодий ва сармоявий ҳамкорликка алоҳида эътибор қаратилмоқда. Икки давлат ўртасида имкон қадар қулайлик яратиш режими амал қилмоқдаки, бу фаол алоқаларнинг ва бу борада имзоланган тегишли ҳужжатларнинг мавжудлигидан ташқари, 2010 йилда ўзаро товар айланмасининг 2 миллиард 850 миллион АҚШ долларидан зиёдроқ ўсишига ҳам имкон яратди.

Ўзбекистон корхоналари Хитой бозорларида эҳтиёж катта бўлган хилма-хил, хусусан, кимёвий, нефтни қайта ишлаш ҳисобига олинган ва нефтдан олинадиган кимёвий маҳсулотларни, пластмасса, рангли металл, каолин каби экспорт товарларини ишлаб чиқаради.

Молия ресурсларини ўзлаштириш жараёни муваффақиятли ва изчил ривожланмоқда. Хитой ҳукумати томонидан ажратилган кредитлар асосида Ўзбекистонда ижтимоий соҳада, нефть ва газ тармоғида, телекоммуникация, соғлиқни сақлаш, мелиоратив техникалар ва компьютер жиҳозларини етказиб бериш каби соҳаларда бир қатор муҳим лойиҳалар амалга ошириб келинмоқда.

Сармоявий ҳамкорлик йилдан-йилга кенгайиб бораётир. Ўзбекистонда фаолият юритаётган Хитой компанияларининг сони жадал суръатларда ўсиб бормоқда. Бугунги кунга келиб, мамлакатимизда хитойлик сармоядорлар иштирокида 347 та корхона мавжуд бўлиб, уларнинг 57 таси юз фоиз Хитой маблағи асосида иш юритаяпти. 64 та Хитой компаниясининг ваколатхоналари очилган. Шу ўринда “СИТИК”, “Чайна Машинери Корпорейшн”, “Хуавэй”, “Шанхай Белл” ва бошқа кўплаб таниқли корпорацияларнинг Ўзбекистон бозоридаги фаол иштирокини ҳам алоҳида таъкидлаб ўтиш жоиз.

Хитойлик мутахассислар иштирокида барпо этилган Қўнғирот сода заводи, Деҳқонобод калий заводи муваффақиятли ишламоқда, Чжужоу электровозсозлик компанияси томонидан етказиб берилган замонавий тезюрар электровозлар юқори сифатли эканини намоён этмоқда.

Ўзбекистон ва Хитой ўртасидаги икки томонлама ҳамкорлик энергетика соҳасида ҳам жадал суръатларда ривожланиб бормоқда. Айни пайтда хитойлик шериклар билан амалга оширилаётган “Ўзбекистон — Хитой” газ қувурининг барпо этилиши сингари қўшма сармоявий лойиҳалар бунинг яққол далилидир.

Бундан ташқари, туризм соҳасидаги ҳамкорликни кенгайтиришда ҳам ижобий ўзгариш кузатилаётир. 2009 йил июнь ойида “Ўзбектуризм” миллий компанияси ва “Хитой Халқ Республикасининг Миллий сайёҳлик маъмурияти” ўртасида имзоланган ўзаро англашув меморандуми, шунингдек, Хитойда мамлакатимиз сайёҳлик салоҳиятига доир бир қатор тақдимотларнинг ўтказилиши ҳам мазкур соҳанинг келгуси ривожига туртки беради.

Иккала давлат ушбу соҳада катта салоҳиятга эга бўлиб, бу маълум даражада Буюк Ипак йўлининг тарихий мероси саналади. Ўзбекистон ўзининг бой сайёҳлик инфратузилмаси билан хитойлик сайёҳлар учун энг жозибали масканлардан бирига айланиши мумкин. Буюк Ипак йўлининг Самарқанд, Бухоро ва Хива каби марваридларига саёҳатлар ташкил этиш орқали мазкур соҳадаги ҳамкорлик имкониятларини янада кучайтириш мумкин. Хитой томонидан ўз халқи учун Ўзбекистонга сайёҳлик мамлакати мақомининг берилиши ХХР фуқароларининг юртимизга уюштираётган саёҳатлари оқимининг ошишига хизмат қилади.

Халқларимизни бири-бирига яқинлаштириш ва икки давлат ўртасида сайёҳлик алмашинуви ошишининг яна бир омили, бу — маданий-гуманитар соҳада ҳамкорликни ривожлантиришдир. ШҲТ доирасидаги серқирра ҳамкорлик ҳам мазкур йўналишдаги ўзаро манфаатли шерикликни фаоллаштиришга имконият яратади.

Хусусан, Ўзбекистон ШҲТга раислик қилган 2010 йилда Тошкентда ШҲТ мамлакатлари рассомларининг “Буюк Ипак йўли — тинчлик учун саёҳат” халқаро кўргазмаси ўтказилиб, унда 100 дан зиёд тасвирий санъат намуналари, сиёҳда ва ипак матога ишланган асарлар намойиш этилди. Кўргазмага ташриф буюрган санъат ихлосмандлари ШҲТга аъзо мамлакатлар халқларининг анъаналари, маданияти, ноёб тарихий-маданий мероси ва ўзига хос замонавий тасвирий санъати ҳақида етарлича маълумотга эга бўлишди.

Шунингдек, таълим соҳасидаги ҳамкорлик ҳам жадал суръатларда ривожланиб бораяпти. Ўзбекистонда ёшлар орасида хитой тилини ўрганишга ва Хитойда турли соҳалар бўйича таълим олишга бўлган қизиқиш йил сайин ортиб бормоқда. Бу борада 2005 йилда Тошкентда ташкил этилган Конфуций институтининг хизмати беқиёс бўлиб, ушбу илм маскани хитой тили асосларини ўрганишга, Хитойнинг тарихи, маданияти ва бугунги куни билан яқиндан танишишни истовчиларга кенг имкониятлар эшигини очиб беради. 2007 йилда Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университетида Хитой тили маркази очилиб, у Хитой томонининг беғараз кўмагида тўлиқ жиҳозланди. 2005 йилнинг сентябрь ойидан бошлаб ХХРнинг Миллатлар марказий университетида ўзбек тили кафедраси фаолият юритиб келмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Хитой Халқ Республикасига амалга ошиража давлат ташрифи давомида икки томонлама ҳамкорликнинг кўп қиррали янги ва истиқболли йўналишлари муҳокама этилади ҳамда минтақавий ва ўзаро манфаатли халқаро аҳамиятга молик долзарб масалалар юзасидан фикр алмашилади.

Музокаралар якунида турли соҳалардаги ҳамкорликни янада ривожлантиришга қаратилган қатор икки томонлама ҳужжатлар имзоланиши режалаштирилмоқда.

Барча соҳалардаги икки томонлама муносабатларнинг барқарор ривожланиш суръатини инобатга олган ҳолда, шуни комил ишонч билан айтиш мумкинки, бу галги ташриф иккала мамлакат ўртасидаги ўзаро манфаатли ҳамкорликнинг янги уфқларини очишга хизмат қилади.

**«Жаҳон» АА.**

# «ЮРТИМ, СЕНГА ЖОНИМ ФИДО»

***Наманганда Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг 20 йиллиги олдидан мусиқа ва санъат мактаблари истеъдодли ёшлари иштирокида “Юртим, сенга жоним фидо” деб номланган бадиий учрашув ва концерт дастури ўтказилди.***

Республика Халқ таълими вазирлиги, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги ҳамда Ўзбекистон бастакорлар уюшмаси ҳамкорлигида ташкил этилган мазкур тадбир гуллар шаҳридаги 1-мусиқа ва санъат мактабида бўлиб ўтди. Унда В. Успенский ва Р. Глиэр номидаги республика ихтисослаштирилган мусиқа академик лицейларининг халқаро ва мамлакат кўрик-танловларида ғолибликни қўлга киритган ёш истеъдод эгалари саҳнага чиқдилар. Вилоят туманларидан ташриф буюрган ўқитувчилар, ўқувчи-ёшлар ва ота-оналар улар ижросидаги куй-қўшиқ ҳамда рақсларни завқ билан тинглаб, томоша қилишди. Иштирокчилар тадбир сўнгида вилоят марказидаги “Хотира майдони”ни зиёрат қилдилар, Бобур номидаги маданият ва истироҳат боғида сайр уюштирилди, шаҳардаги 26-Меҳрибонлик уйига ташриф буюриб, бу ерда тарбияланаётган ўғил-қизларга концерт намойиш этишди. Шундай тадбир Тўрақўрғон туманидаги 9-мусиқа ва санъат мактабида ҳам бўлиб ўтди.

**Қ. НАЖМИДДИНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**



**Ҳ. МАМАДАЛИЕВ (ЎзА) олган сурат.**

***Мамлакатимиз мустақиллигининг 20 йиллиги муносабати билан Самарқанд шаҳрида “Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми”, “Меҳр нури” жамғармалари, “Аёллар кенгаши” республика жамоат бирлашмаси ҳамда “Келажак овози” ёшлар ташаббуслари маркази томонидан “Биз — 20 ёшдамиз” шиори остида ёшлар акцияси ташкил этилди.***

# БИЛИМ, ИҚТИДОР ВА МАҲОРАТ КЎРИГИ

**«Биз — 20 ёшдамиз»**

— Вилоят Ёшлар марказида бўлиб ўтган “Ёш тадбиркорлар форуми” менда, айниқса, катта таассурот қолдирди, — дейди Самарқанд шаҳридаги Сартепа маиший хизмат ва туризм коллежи ўқувчиси Элмурод Нишонов. — Бу ерда вилоятдаги етакчи банклар иш фаолияти, улар томонидан ёш тадбиркорларга кўрсатилаётган молиявий хизматлар, бу борадаги имтиёзлар ҳақида тўлиқ маълумотга эга бўлдим. Тижорат банклари томонидан тадбиркорлик соҳасига йўналтирилаётган кредитлар форумда қатнашган бошқа тенгдошларимда ҳам катта қизиқиш уйғотди.

Алишер Навоий номидаги маданият ва истироҳат боғига туташ майдонда Ёшларни иш билан таъминлашга кўмаклашувчи марказ ва ҳамкор ташкилотлар томонидан ташкил этилган “Бўш иш ўринлари ярмаркаси”да вилоятдаги олий ўқув юртлари, ўрта махсус таълим муассасалари битирувчилари иштирок этиб, 72 киши доимий ва вақтинчалик иш ўринлари учун йўлланмага эга бўлди. Бундан ташқари, жойлардаги корхона ва ташкилотлар томонидан ҳам ёшларга бўш иш ўринлари таклиф этилди. Тажрибали мутахассислар томонидан эса ёшларга “Касб танлаш” ва “Ишга жойлашиш” масалалари бўйича ҳуқуқий маслаҳатлар ҳамда тегишли кўрсатмалар берилди.

“Келажак овози” танлови ахборот акцияси давомида ёшларнинг энг йирик лойиҳаларидан бири ҳақида тадбир қатнашчиларига ахборотлар берилди. Тадбир ёшларнинг турли интерфаол ўйинлар, қизиқарли тақдимотлар кўринишида ташкил этилиши билан ёддақоларли бўлди.

Тадбир доирасида бўлиб ўтган ҳаваскор журналистлар танловида йигит-қизлар ўзларининг бошловчилик қобилиятларини, мақола ёзиш борасидаги билим ва маҳоратларини намойиш этишди. “Дилемма” мунозаралар клуби тақдимотига ташриф буюрганлар ёшларнинг қизиқарли баҳс-мунозараларига гувоҳ бўлишди. Шу куни ўтказилган хорижий тиллар танловида чет тилларини мукаммал ўзлаштирган янги истеъдодлар кашф этилган бўлса, “Хайрия марш марафони”да йигит-қизлар жисмоний чиниқишларини синовдан ўтказишди.

Акция доирасида “Меҳр нури” жамғармаси томонидан вилоятдаги нуронийлар, эҳтиёжманд оилаларга меҳр-мурувват кўрсатилди. Кун давомида бўлиб ўтган тадбирлар якунида ўзбек эстрадаси юлдузларининг Мустақиллигимизнинг 20 йиллигига бағишланган концерт дастури бўлиб ўтди.

**Абдурасул САТТОРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# ЎЗБЕКИСТОННИНГ ЯНА БИР ЯНГИ АВТОМОБИЛЬ ЗАВОДИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Самарқандда янги ишлаб чиқариш комплекси ишга туширилгач, Ўзбекистон Республикасида оғир юк ташувчи катта техника ишлаб чиқариш сифат жиҳатидан янги даражага кўтарилади. Мамлакатимизда ушбу маҳсулот кенг маҳаллийлаштирилиб, жаҳонда тижорат автотранспортининг етакчи ишлаб чиқарувчиларидан бири — “MAN Truck & Bus AG” компанияси билан ҳамкорлик янада мустаҳкамланади.

“JV MAN Auto-Uzbekistan” қўшма корхонаси 2009 йил 29 августда ташкил этилган. «Ўзавтосаноат» акциядорлик компанияси ва “MAN Truck & Bus AG” (Германия) компанияси унинг таъсисчилари ҳисобланади. “MAN Truck & Bus AG” MAN гуруҳидаги энг йирик корхона, оғир юк кўтариш қувватига эга юк автомобиллари, йўловчи ва сайёҳлар учун автобуслар ишлаб чиқариш бўйича жаҳон бозоридаги етакчи компаниялардан биридир.

**В. НИКОЛАЕВ,**
**ЎзА мухбири.**

# СИЙМУ ЗАРГА АЛИШМАЙДИГАН БОЙЛИК

***Эрта тонгда уйқудан уйғонасиз. Кўзингизни очиб, соғ-саломат турганингиз учун ич-ичингиздан шукрона айтасиз, бекангиз тайёрлаган нонуштага ўтирасиз. Бутун оила ёнингизга тизилади. “Яхши дам олдингизми?” — фарзандларингизнинг бу сўровига “Худога шукр, раҳмат!” дея жавоб қиласиз. Нонуштада дастурхонга ёши улуғ одам қўл чўзиб, бошқаларни таклиф қилади.***

**Туйғу**

Тонгги насибадан сўнг кийиниб кўчага чиқасиз. Ҳамма қатори ишга отланасиз. Йўлларда машиналар ғизиллаб ўтиб турибди. Қўни-қўшнилар, танишлар учраганда ўзаро омонлик тилайсиз. Ҳамма жойда ҳаёт тафтини ҳис қиласиз. Қурувчилар янги иншоотни бунёд этиш билан банд, сотувчилар дўкон молларини пештахтага қўйиб, сизга мунтазир.

Ҳар куни шу манзарага гувоҳ бўламиз. Ҳар қандай ғайритабиийликдан холи, оддий, кундалик турмушимиз бу. Лекин шундай осойишта, керак бўлса, фароғатли ҳаётга қандай эришаётганимиз ҳақида ўйлаб кўрганмизми?! Дунёнинг ҳамма жойида ҳам шундай аҳвол ҳукмронми? Бир томони табиий офат, бир томони терроризм балосидан ини бузилган қушдай безовта халқлар кўз ёши, танасидан оққан қонлари кўз ўнгимизда кўриниб турибди-ку.

Одам боласи яшаши учун ҳаводан нафас олади. Шу ҳаво қаердадир мусаффо, покиза, яна қаердадир олов-тутун билан қопланган. Яратганга беадад шукрки, Ўзбекистон осмони ғубордан холи, ниятимиз каби соф. Юртимизда ҳамма нарса эзгуликка, бунёдкорликка, кўпайишга йўналтирилган. Президентимиз етакчилигида иймонли, адолатли демократик жамият қураяпмиз. Анча қисмини қуриб ҳам қўйдик. Шуни ҳаммамиз бирдай ҳис этаяпмизми?!

Ҳадиси шарифларда “Нафасинг кирганда бир шукр қил, чиққанда бир шукр қил”, деган ҳикмат бор. Биз беадад шукр қиламиз. Ойнаи жаҳонда араб мамлакатларидаги безовталикни кўриб, бегуноҳ мусулмонларнинг жони узилганидан воқиф бўлиб, бир тавба қиламиз, бир ўзимиздаги бебаҳо ҳаёт учун шукр қиламиз. Алҳазар, тинч, осойишта мамлакатларга бундай бало-қазо қаердан келди? Миллионлаб одамлар кўчага чиқса, томоқ йиртгудек бақириб, кимларгадир ўлим тиласа. Жаҳаннам дегани шу эмасми? Бундай пайтларда ҳар қандай тартиб, қонун-қоида бир пул. Одамларнинг жони ҳалакда. Эртага нима бўлишини ҳеч ким билмайди. Меҳр-оқибат, инсонийлик оёқ остида қолади. Нима эмиш, шу тўполонни ташкил қилганларнинг нияти демократия, адолат эмиш. Юзини тескари қилсин бунақа адолатни. Бир кун жанжал чиққан жойдан қирқ кун барака кўтарилади, деган ўзбек мақолини ўшалар эшитганмикан?! Ёдимизда, мустақиллик арафасида баъзи ўпкасини қўлтиқлаганлар митинг қиламиз дейишганда, Президентимиз “Бунақа митингларнинг баҳоси битта чақалоқнинг жонига арзимайди”, деган доно сўзни айтгандилар. Ҳаёт бу ҳақиқатни рўй-рост кўрсатди. Халқнинг кўнглидаги орзулари ушалишида Юртбошимиз раҳнамолик қилдилар. Қандай қилиб асрий орзуларга эришиш мумкинлигига халқимиз ўз ҳаёти мисолида ишонч ҳосил қилди.

Аллоҳ астойдил сўраганга беради, дейишади. Чин юракдан қилинган дуода ҳам гап кўп экан. Спортимиз юлдузи Миржалол Қосимов ёшлигида Шимолий Осетия командасида ўйнаган йиллари Аланиядаги жамоадошлари “Миржалол, отангга телефон қил, бугунги ўйинда ютишимизни сўраб дуо қилсин”, дейишаркан. Шунда Қўшоқ ака Тошкентда туриб, фарзанди ва унинг шериклари ҳақига дуо йўлларкан. Бундан қувват олган ўйинчилар ғалаба қозонгач, “Ўзбекнинг дуоси зўр-да” деб, миннатдор бўлишаркан.

Олимжон Ҳакимов деган ҳамкасб акамиз бор. Ёшлари етмишдан ошиб кетди. Ижодкорлар, зиёлиларнинг тўйлари ҳам, маъракалари ҳам у кишисиз ўтмайди. Одамийликнинг, меҳмоннавозликнинг мактабини яратган, десак, лоф эмас. Шу инсоннинг дуосига ҳамма ишқибоз. Меҳмонлар ўтирганларидан сўнг кафтларини очиб, алоҳида эътиқод, ўзига хос қироат билан, “Илоҳим, юртимиз тинч, хонадонларимиз обод бўлсин!” дея дуо қиладилар. Йўқ, бу навбатчи сўз эмас, шу бугунги фаровон, гўзал ҳаётимизга шукрона бу. Шу дуодан сўнг ўтирганларнинг юзлари ёришиб кетади, ўша жойга ажиб бир файз инади. Энди айтинг, мана шу ҳаётни сийму зарга алмаштириб бўладими?!

Яқинда Олимжон ака билан гурунглашиб қолдик. Тошкент шаҳридаги қурилишлар ҳақида сўз кетди. “Яхши, яхши” десалар керак, деб ўйлагандик. У одам эса фикрини бошқача ифодалади: “Мен Тошкентимизнинг 2200 йиллиги тўйи нишонланганда, пойтахтни бундан гўзал қилиб бўлмас, неча асрларга татигулик ишлар бўлди, дегандим. Ҳали бу ёқда шунча ўзгаришлар бор экан. Навоий кўчасини, Кичик ҳалқа йўлидаги қурилишларни кўринг, қувончдан ҳайқириб юборасиз”. Бу гапни эшитганда, Олимжон ака шаҳарни қанчалик яхши кўришига яна бир бор ишондик. Бу гапни эшитганда, бизнинг халқимиздек тинчликни қадрлайдиган халқ йўқлигига яна бир бор амин бўлдим.

**Шуҳрат ЖАББОРОВ.**

# Ахборот алмашинуви яхшиланади

*Ўзбекистон Миллий университетида Электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси, “Sarkor telekom” интернет провайдери, “MTC-Uzbekistan”, “UCell” компаниялари ва “ZiyoNET” ахборот-ресурс маркази ҳамкорлигида анъанавий медиаконференция бўлиб ўтди.*

**Тадбир**

“Ахборот технологияларининг журналистика соҳасида тутган ўрни” мавзуига бағишланган ушбу анжуманда интернет порталлари, оммавий ахборот воситалари вакиллари ва талаба-ёшлар иштирок этди.

Конференциядан кўзланган асосий мақсад, талабаларнинг АКТ соҳасини мукаммал ўзлаштиришига кўмаклашиш, малакали мутахассислар билан ўзаро ахборот алмашинишни таъминлаш, интернет журналистикасини ривожлантиришга ҳисса қўшишдан иборат.

Медиаконференцияда интернет журналистикасининг долзарб масалаларига бағишланган кўплаб мавзуларда маърузалар тингланди. Шунингдек, тадбир доирасида ёш мутахассис ва талабалар ўртасида анъанавий ўтказиб келинаётган танловнинг бу галги ғолиблари эълон қилинди. Уларга эсдалик совғалари топширилди.

**Шоҳруҳмирзо ОДИЛБЕКОВ.**



***Уйда сочилиб ётган қоғозларим орасидан бир даста хат чиқди. Уларни қизиқиш билан варақладим. Мактубларда менга адабиётга оид саволлар билан мурожаат этишган экан. Ўз манзилию исм-шарифини ҳам ёзишни унутган бир хат муаллифи эса камина билан суҳбатлашиш истагидалигини айтибди.***

***Қисқаси, мен ҳам имкониятдан фойдаланиб, севимли газетамиз орқали ўша хатга жавоб ёзишга қарор қилдим.***

***Мазмуни тушунарли бўлганлигидан саволларни келтириб ўтирмадим.***




# ЁШ ИСТЕЪДОДЛАР — АДАБИЁТИМИЗ КЕЛАЖАГИ

Ёш дўстим!

Сизнинг Мустақиллик берган эркинлик, бугунги давр адабиёти ва ҳозирги ёшларнинг ҳаётда, адабиётда тутган ўрни ҳақида мулоҳаза юритганингиздан мамнунман. Негаки, китобхон меҳри ёзувчининг кайфиятини кўтаради, унга илҳом бағишлайди.

Бизнинг халқимиз — катта халқ. Адабиётимиз — катта адабиёт. Аммо яшириб нима қилдик, тарих шундай кечганки, юртимиз, халқимизга, адабиётимизга узоқ даврлар кўп ҳам омад кулиб боқавермаган. Тўғри, дунёда бу заминда яшаб ўтган буюк алломалару Бухоро, Самарқанд, Тошкент, Хива ва бошқа шаҳарлар номини, юртимиздаги ўлмас ёдгорликларни билишган, бу ҳақда эшитишган, аммо Мустақилликка эришгунимизга қадар дунё Ўзбекистонни деярли "танимаган". Алишер Навоий, Бобур, Фитрат, Қодирий, Чўлпонни дунёда маълум даражада билганлари ҳолда, ҳали ўзбек адабиёти билан мукаммалроқ, у муносиб бўлган тарзда танишилмаган. Истиқлол Ўзбекистонни дунёга кенг ва баралла танитмоқда. Ишончимиз комилки, Истиқлол боис адабиётимиз ҳам дунёга, албатта, чиқади.

Турли мамлакатларда китобга янгидан қизиқиш уйғониб, адабиёт қайтиб ҳаётда тобора кенгроқ ўрин тута бошлаганини эшитиб турибмиз. Айниқса, бизда маънавиятга, адабиётга эътибор алоҳида. Шундай бир воқеани эслайман. Анча йил бўлди, "Шаҳидлар хотираси" хиёбонининг очилиш маросими бўлаётганди. Айвонда Юртбошимиз билан йиғин ташкилотчилари туришарди. Ўзбекистон Мадҳияси мусиқасини ёзган машҳур бастакор Мутал Бурҳоновга сўз берилди. Мутал ака кексайиб қолганди. Шунда, айнан Юртбошимиз дарҳол илдам босиб, Мутал акани қўлтиқлаганча зинадан олиб чиқиб, микрофон ёнига бошлаб келдилар. Мен шунда икки ҳолатни ҳис этдим. Биринчиси, Президентимизнинг инсонийлиги бўлса, иккинчиси, маънавиятга кўрсатилаётган эътибор эди. Истиқлол даврида бу икки хислат янада катта кўламларда намоён бўлди. Жумладан, давлатимиз раҳбари: «Адабиёт яшаса — миллат яшайди!» деган гапни шиор даражасига кўтаргани — билмадим, бошқа бирон мамлакатда учрамаса керак. Адабиётга эътибор катта. Унинг юксалиб бориши, ўз вазифасини бажариши эса биз, ижод аҳлининг саъй-ҳаракатимизга боғлиқ.

Ёши улуғ ижодкорлар муҳаббат ҳақида ёзишига қандай қарашимни сўрабсиз. Мумтоз адабиётимизда азалдан муҳаббат бош мавзу эканлиги аён. Бироқ шу ўринда таъкидлаш кераки, муҳаббатнинг маъноси беҳад кенг, у фақат севишганлар орасидаги муносабатдангина иборат эмас. Яна ўша, мумтоз адабиётимиз бунга мисолдир. Нега бугунги кунда йигирма ёшга тўлган кўркам йигитлар, малоҳатли қизлар ҳақида оталарча меҳр-муҳаббат билан шеър ёзиш мумкин эмас? Нега юрт ҳақида, халқимиз, унинг тарихи ҳақида катта эҳтирос билан шеър ёзиш мумкин эмас? Мустақиллик, у яратган эркинлик ва келажаги порлоқ ҳаётни севмай, тўлқинланмай бўладими? Бундай ҳис-туйғулар энг ҳароратли, ёрқин адабий асарларни дунёга келтириши шак-шубҳасиздир.

Кейинги йигирма йил ичида "Тўрт томон қибла" трилогияси, "Навоий ва рассом Абулхайр" дилогияси билан бирга, яна ўнга яқин роман ёздим. Бундан ташқари, шеърлар, ҳикоялар, қиссалар, эсселар... Бундай фаол ишлаганимга сабаб ўша, муҳаббат! Мустақиллик берган руҳ, илҳом ва куч! Ва, шубҳасиз, имконият. Бу асарларни кечаги кунларда, умуман, ёзиб бўлмасди.

Шаҳар-қишлоқларимиз обод бўлиб, юрт манзараси кундан-кунга ўзгариб бораётгани мени беҳад қувонтиради. Шунинг баробарида, ҳаёт тинч-осойишта кечаётгани, барча бир оиладек бунёдкорлик руҳи билан яшаётгани, одамлар тафаккуридаги ўзгариш, инсоний юксалиш, покланиш менга илҳом бағишлайди. Мен шу жараёнга озгина ҳисса қўшишга уриниб, бу куннинг бахти, шарафи билан бирга яшайман. Халқимизнинг эртанги куни янада ёруғ бўлиши умиди мени муттасил қалам тебратишга ундайди.

Ҳар қачон ёшлик ва ёшлар ҳақида ўйлаганимда, баҳорий ўт-ўланлар тиниқлиги, яшнай бошлаган дарахтлар нозанинлиги кўз олдимга келади. Олдинги даврларда қўлига қалам олган ижодкорлар билан қиёслаганда, бугун адабиётга кириб келаётган ёшлар ниҳоятда кўп. Уларнинг инсон ва жаҳонни англаш, ҳис этиш даражаси ҳам олдинги замонга нисбатан анча юқори. Юртимиз Мустақилликка эришган дастлабки кунлардан ёшларга алоҳида эътибор бериш, уларга ижод қилиш учун ҳар томонлама имкон яратиш диққат марказида турибди. Ўтган йили Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ҳузурида "Ижод" фондини ташкил этиш тўғрисида қабул қилинган қарор қисқа фурсатда ёзувчиларимиз ҳаётида амалий натижалар кўрсата бошлади. Бу қарорда ёш ижодкорларга ғамхўрлик юзасидан ҳам муайян вазифалар белгиланган. Мана шу фонд ҳомийлигида яқинда Азизбек Анвар, Мафтуна Норматова, Гўзалой Матёқубова, Жамшид Матёқубов, Зулхумор Мирзаеванинг биринчи китоблари катта ададда, йигирма минг нусхада босилиб, таълим муассасаларига тарқатилганлиги бунинг бир мисолидир. Бу китобларнинг тақдимоти ҳам ўтказилди... Шунингдек, Толиб Қаноат, Дилшод Ражаб, Носир Жўраев, Наргиза Асад сингари ижодкорларнинг китобларини ҳам ўқидим. Китоблардан кўнглим тўлди, уларнинг дадил қадамлар билан катта адабиётга кириб боришларини ният қилдим. Яна шу кунларда Сарвар Тўраевнинг илк насрий, Гулирухсор Маматқулованинг илк шеърий тўпламлари билан танишдим. Фикр тиниқлиги, уни ифодалаш тарзида оз-моз камчиликлари бўлса-да, бу икки тўплам ҳам илиқ таассурот қолдирди...

Эртанги кун адабиётимиз қандай бўлиши, албатта, сафда турган адиблардан ҳам кўра, кўпроқ ўсиб келаётган ёш ижодкорларга боғлиқ. Шу боисдан уч-тўртта кўйлакни ортиқ йиртган киши сифатида уларга ўз мулоҳазаларим ва истакларимни айтмоқчиман.

Ёшлик доим кўркамдир. Ёшлар ҳаётнинг олдинги сафларида турадилар, кексаларга нисбатан уларда интилиш ҳам, ғайрат ҳам, эҳтирос ҳам кучли. Шунинг баробарида, ёш ижодкорларда ҳаёт тажрибаси ва билим етишмаётгани сезилаяпти. Ёшлар ҳаётга фаол аралашишлари, юрт, халқ учун аҳамиятли ишларда фаол иштирок этишлари ва албатта, миллий ҳамда жаҳон адабиётининг энг яхши асарларини берилиб, чуқур ва мунтазам мутолаа қилиб боришлари керак. Булар — ёш ижодкорларни камолга етказадиган мактаблардир.

Бугунги кунда ёшлар орасидан жаҳондаги турли тилларнинг билағонлари, таржимонлар етишиб чиқмоқда. Шу билан бирга, ўз юрти, халқи, ўз адабиёти билан ғурурланадиган, асарларимизни аслиятдан хориж тилларига таржима қиладиган ёшлар кўпайса, ўзбек адабиётини жаҳонга янада кенгроқ танитиш осон бўлади.

**М**устақиллигимизнинг йигирма йиллигини нишонлаш арафасида турибмиз. Йигирма йил мобайнида ҳар жабҳада бўлганидек, адабиёт соҳасида ҳам катта ишлар амалга оширилди. Муҳими, адабиётнинг шакли ва мазмуни, умумий руҳи ўзгарди. Бу кунги адабиётимизнинг мазмун-мундарижаси энди бўлакча. У минг йиллик анъаналарни давом эттирган ҳолда, янгиланди, янгиланиб бораяпти. Шу билан бирга, даврни янада мукаммалроқ ёритиш йўлида қилинадиган ишлар ҳали кўп.

Ёш дўстим! Йигирма йил ичида янги бир авлод вояга етди. Булар — мустақиллик фарзандларидир. Биз уларга, яъни сизларга ҳавас билан қараймиз ва буюк ишлар қилишларингизга ишонамиз.

**Омон МУХТОР,**
**Ўзбекистон Давлат мукофоти лауреати.**

## Миллий ҳунармандчилик:
# ЭЪТИБОР, ЭЪТИРОФ ВА САМАРА

(Давоми. Боши 1-бетда).

Қўли гул уста дориламон кунларга муносиб бўлишни ўзининг асосий бурчи деб билади. Масалан, у Тошкент — Фарғона мискарлик-кандакорлик мактаби ва унда қўлланиладиган бири-биридан нафис ҳамда бежирим нақшларнинг қайта тикланишига катта ҳисса қўшди. Шу асосда ясалган офтоба, лаган, чойнак, манқалдон каби буюмлар нафақат ўзимизда, балки Швейцария, Германия, Франция, АҚШ, Малайзия, Покистон каби давлатларда ҳам юксак баҳоларга сазовор бўлди. Унинг санъат намуналари Нью-Йорк шаҳридаги фольклор музейи, Санкт-Петербург шаҳридаги этнография музейи экспонатларидан жой олиб, ҳамон мухлису мутахассисларга диёримизнинг беқиёс қадриятлари ҳақида сўзлаб турибди.

Мискар-кандакорнинг халқ амалий санъатини ривожлантириш борасидаги хизматлари муносиб тақдирланди. Мақсуд Мадалиев Президентимизнинг Фармонига асосан, 2006 йилда "Меҳнат шуҳрати" ордени билан мукофотланди.

— Бундай эътибор ҳар бир кишига чексиз қувонч ва илҳом бағишлаши, рағбат бериши, шубҳасиз, — дейди ҳозир "Устозода" халқ амалий санъати маҳсулотлари ишлаб чиқариш корхонасида фаолият юритаётган ҳунарманд. — Айни пайтда фаолиятимизни янада ривожлантириш, қадриятларимизни жаҳонда кенг тарғиб қилиш йўлида енг шимариб ишлаяпмиз. Турмуш ўртоғим наққош. Фарзандларим эса ёнимга кирган. Тўнғич ўғлим Фаррух, ўртанчаси Шоҳруҳ ҳам изимдан келишаётир. Ҳар иккаласи олий маълумотли. Кенжа ўғлим Улуғбек мискарлик-кандакорликдан ташқари, заргарлик, рихтагарлик (қуймакорлик)нинг сирларини ўрганмоқда. Қизим ували-жували. Оилавий бахт шу-да, аслида. Қолаверса, "Ўзбекистон Бадиий академияси, "Ҳунарманд" уюшмаси, Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми" жамғармаси қошидаги "Ижод" уюшмаси аъзосиман. Шогирдларимиз ушбу ҳунарни аҳоли, хусусан, ёш авлод орасида оммалаштиришга ҳисса қўшиш учун интилишмоқда. Маҳсулотларимиз бозорда ўз баҳосига эга. Шунга яраша даромад ҳам бор. Хуллас, меҳнатимиз қадру эъзозда. Бундай саодатли кунлар шукуҳидан биз фахрланмай, ким фахрлансин?!

Бу борадаги эзгу ишлар ривожида Президентимизнинг 2010 йил 30 мартдаги "Халқ бадиий ҳунармандчилиги ва амалий санъатини ривожлантиришни янада қўллаб-қувватлаш тўғрисида"-ги Фармони соҳа вакиллари қатори Мадалиевлар сулоласига ҳам дастуриламал бўлмоқда. Зеро, ушбу ҳужжатда белгилаб берилган имкониятлар, шу жумладан, солиқ имтиёзлари ва преференциялари янги иш ўринларини яратиш, юртимиз экспорт салоҳиятини ошириш баробарида оилавий бизнеснинг равнақ топишида айни муддаодир.

Мухтасар қилиб айтганда, юртимизда халқ амалий санъатига катта эътибор берилмоқда. Бу эса, ўз навбатида, глобаллашув даврида жуда долзарб ҳисобланадиган урф-одатларимизга бўлган ҳурматни кучайтириш, миллий ўзлигимиз тимсолларини дунё узра танитиш баробарида, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг тарих ва бугунни уйғунлаштирган тармоғи изчил ривожланиб боришида муҳим омил бўлмоқда.

**Саиджон МАХСУМОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## Анжуман

***Самарқанд давлат чет тиллари институтида Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Ўзбекистон жаҳон тиллари университети ва бир қатор олий таълим муассасалари ҳамкорлигида "Чет тилини ўқитишнинг дидактик асослари" мавзуида республика илмий-амалий анжумани ўтказилди.***

# ЎЗАРО ТАЖРИБА АЛМАШИЛДИ

1994 йилда Президентимиз ташаббуси билан ташкил этилган мазкур олий ўқув юртида ҳозир ёш авлодга йигирмага яқин хорижий тиллардан сабоқ берилмоқда. Ўтган қисқа вақт мобайнида масканда таълим олишнинг энг юксак, халқаро стандартларга мос моддий-техник базаси яратилди, кадрлар салоҳияти ва ижодий имкониятлар кўлами кенгайди. Институт чет тилларини ўқитиш борасида ўзига хос тажриба майдонига айланди. Бугунги кунда институт кўплаб илмий ҳамда таълим ташкилотлари ва муассасалари билан ҳамкорлик қилмоқда.

Икки кун давом этган тадбирда республикамиздаги барча чет тили кафедралари мудирлари ҳамда етакчи мутахассислари чет тилларини ўқитиш методикаси бўйича ўз тажрибалари билан ўртоқлашдилар. Шунингдек, соҳага оид чоп этилаётган янги ўқув, ўқув-услубий адабиётлар мавзуларини мувофиқлаштириш, замонавий услубий тавсиялар билан бойитиш масалалари хусусида фикр алмашилди.

Анжуманда юртимизда аккредитациядан ўтган кўплаб хорижий фан ва таълим ташкилотлари ҳамда Франция, Италия, Жанубий Корея, Миср, Хитой ва Япония элчихоналари вакиллари ҳам иштирок этишди.

**С. АБДУРАСУЛОВ.**


Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги

ТАКЛИФ ҚИЛАДИ.

Қурилиш ташкилотлари диққатига!

Бухоро шаҳри, Навоий шоҳкўчаси, 5-уй. Телефонлар: (8-365) 223-63-24, 223-63-26.


## ОБ-ҲАВО
### (16 апрель)



**Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти.** Ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик бўлмайди. Кечаси 7-12 даража илиқ, кундузи 18-23 даража иссиқ бўлади.

**Бухоро ҳамда Навоий вилоятлари.** Ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик кутилмайди. Тунда 7-12, кундузи 18-23 даража иссиқ бўлади.

**Тошкент, Самарқанд, Жиззах ва Сирдарё вилоятлари.** Ҳаво ўзгариб туради, ёмғир ёғади. Ҳарорат кечаси 7-12, кундузи 17-22 даража иссиқ бўлади.

**Қашқадарё ҳамда Сурхондарё вилоятлари.** Ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик кутилмайди. Кечаси 10-15, кундузи 23-28 даража иссиқ бўлади.

**Андижон, Наманган ва Фарғона вилоятлари.** Ҳаво ўзгариб туради, ёмғир ёғади. Кечаси 7-12, кундузи 17-22 даража иссиқ бўлади.

**Тошкент шаҳри.** Ёмғир ёғади. Ҳарорат тунда 7-9, кундузи 20-22 даража иссиқ бўлади.

**«Ўзгидромет» маълумотлари асосида тайёрланди.**

Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий маркази жамоаси реанимация-операция бўлими мудири Мардон Нарзиевга падари бузруквори **Муҳаммад НАРЗИЕВнинг** вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

# ДЎППИДЎЗ АЯНИНГ ИФТИХОРИ

***Андижонлик Ширмонхон ая Тошматова юзлаб қиз-жувонларни қўли гул чеварга айлантирган моҳир ҳунармандлардан бири. Етмиш беш ёшида ҳам қўлидан игнасини қўймаган ая шогирдлари тиккан "Чуст", "Сирға", "Ҳилол", "Тожикнусха" дўппиларга боқиб, дили яйрайди, кўнгли фахрга тўлади.***



## Қадрият

— **И**лк бор игна тутганимда беш ёшда эдим, — дейди Ширмонхон ая. — Шундан кейин момомерос ҳунарим доимий ҳамроҳимга айланди. Унга меҳр қўйганим бежиз эмас. Чунки дўппи юрак қўридан, кўз нуридан яралади. Шунинг учун ҳам уни бошимизга кўтарамиз, дуч келган ерга ташлаб қўймаймиз. Момоларимиз айтишарди, дўппини азиз тутсанг, бошинг омон бўлади, деб. Менимча ҳам, шундай. Дўппи миллатнинг фахри, ғурури рамзидир. Уни тиккан қўллар ҳеч қачон дард кўрмайди.

Ана шундай эзгу ният билан ёшларни дўппидўзлик санъатига қизиқтираётган ҳунарманд ая ташаббуси билан Қорасув шаҳридаги касб-ҳунар коллежларида кўплаб кўргазмалар ташкил этилмоқда. Шу орқали истеъдодли чевар қизлар элга танилиб, уста дўппидўзнинг ўнлаб интилувчан шогирдлари республика миқёсидаги нуфузли танловларда ғолиб бўлишаяпти. Моҳигул ва Саидахон Сиддиқовалар Ўзбекистон Республикаси Хотин-қизлар қўмитаси ташаббуси билан ўтказилган "Дўппи тикдим, ипаклари тиллодан" номли республика кўрик-танлови ҳамда "Ўзбекистон дўппилари" кўргазма-ярмаркасида иштирок этиб, биринчи ўринга лойиқ топилганларида, аянинг боши осмонга етди. Улар қўлида жило топган миллий бош кийимлар Япония, Хитой, Малайзия, Индонезия ва уммонорти мамлакатларига ҳам бориб етганлиги, жаҳон кўргазмаларида муносиб эътирофларга сазовор бўлганлиги эса ҳар бир юртдошимизга фахру ифтихор бахш этади.

**Одилжон ШОДМОНАЛИЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

**СУРАТДА:** андижонлик дўппидўзлар фаолиятидан лавҳа.

**Ҳасан ПАЙДОЕВ олган сурат.**


Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 403. 69417 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 233-52-55;
Котибият 233-10-28; Эълонлар 232-11-15.

ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Реклама материаллари учун таҳририят жавобгар эмас.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда операторлар Ж. Тоғаев ва М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

t -Тижорат материали

• МАНЗИЛИМИЗ:
100000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — А. Орипов.
Навбатчи муҳаррир — Ф. Бўтаев.
Навбатчи — М. Охунова.
Мусаҳҳиҳ — Ш. Машраббоев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 21.15 Топширилди — 23.45 1 2 3 4 5